

## Абу Бакрга буюринглар, одамларга (имом бўлиб) намоз ўқиб берсин

10:40 / 04.07.2018 3653

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг беморликлари кучайганда «Намозга чиқинг», дейилди. У зот: «**Абу Бакрга буюринглар, одамларга (имом бўлиб) намоз ўқиб берсин**», дедилар. Шунда Оиша розияллоху анҳо: «Отам Абу Бакр кўнгли бўш кишилар. Агар Қуръон ўқисалар, йиғи устун келади», дегандилар, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Унга буюринглар, (одамларга имом бўлиб) намоз ўқиб берсин**», дедилар.

Бошқа ривоятда: «Оиша розияллоху анҳо: «Отам Абу Бакр агар сизнинг ўрнингизда имом бўлиб турсалар, йиғилари сабаб одамларга эшиттира олмайдилар», дедилар», дейилган.

Муттафақун алайҳ.